
ҚҰШТЕПА ТУМАНИДАГИ ҚАМИШТЕПА МАҲАЛЛАСИ МЕБЕЛЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН БҮЛИБ, 200 ГА ЯҚИН ХОНАДОН УШБУ ЮМУШЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ

Шу боис маҳалла бугунги кунда ишсизликдан холи ҳудуд сифатида әътироф этилмоқда.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан бирга Қамиштепа МФЙда бўлиб, тадбиркорликни йўлга қўйган оиласалар фаолияти билан танишдилар.

Дониёр Холбеков замонавий дастгоҳлар асосида ойнага ишлов бериш тармоғини ташкил этган. У бугунги кунда буюртма асосида мебелларга сайқалланиб, ишлов берилган ойналарни етказиб бермоқда. 20 нафар маҳалла ёшлари бу ерда ишлаб, ўртacha 7-8 млн. сўм иш ҳақи олмоқда. Вилоят раҳбари бу ердаги иш жараёни билан танишиб, тадбиркорнинг фаолиятини юқори баҳолади.

Зухриддин Машрапов эса хонадонида мебеллар учун матраслар тайёрлайди. Оила-аъзолари шу билан банд. Вилоят ҳокими унга фаолиятини янада кенгайтириш, даромадини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Ҳусанбой Нурматов хонадонида ҳам турли ўлчамдаги матраслар ишлаб чиқариляпти, 10 та иш ўрни яратилган.

Шу маҳаллада яшовчи Икромжон Отабоев ўз уйида мебелчиликни ташкил этган. Унинг маҳсулотлари ҳам харидоргир. Вилоят ҳокими бу ерда бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Хонадонда узумчиликдан ҳам яхши даромад олинаётгани алоҳида әътироф этилиб, ҳар бир оила шундай бўлиши кераклиги таъкидланди.

Адҳамжон Бўронов ҳам ётоқхона мебеллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Тожиддин Маҳмудов эса маҳалладаги мебелчиларга хом ашёлар, яъни материалларни етказиб бермоқда. Бу ерда 15 нафар ёшлар бандлиги таъминланган.

Хайрулло Бозоров туман секторлари раҳбарлариiga ҳар бир маҳалланинг ихтинослашига әътибор қаратиш, оиласаларнинг даромад манбанини топишига кўмаклашиш бўйича топшириқлар берди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-09-17 22:21:06